
ОЛИМ ПАРДАЕВ

МЕНЕЖМЕНТ

ДАРСЛИК

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

О. ПАРДАЕВ

МЕНЕЖМЕНТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида
тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 338.1
КБК 65.290-2я7
П-21

О. Пардаев. Менежмент. [Дарслик]. – Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2022. 348 б.

ISBN 978-9943-8758-8-3

Дарсликда менежментнинг ривожланиш тарихи ва назарий асослари, меҳнатни илмий ташкил қилиш, бошқарув технологияси, ташкилот ва уларни бошқариш, менежментда етакчилик назарияси, меҳнат жамоаларини бошқариш масалалари батафсил ёритиб берилган.

Дарслик олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари, корхона менежерлари ва мутахассислари, малака ошириш тингловчилари учун мўлжалланган.

УЎК: 338.1
КБК:65.290-2

Такризчилар:

Г. М. Шодиева – СамИСи профессори;
Ф. Ахроров – и.ф.н., ТДИУ Самарқанд филиали доценти.

ISBN 978-9943-8758-8-3

© О.М. Пардаев, 2022.
© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2022.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида ҳам иқтисодий муносабатларнинг замонавий тус олиши, глобаллашув жараёнларининг рақамли трансформацияси айниқса, иқтисодиётда хизматлар соҳаси нисбатининг тобора ортиб бориши бошқарув соҳасида менежментнинг ноанъанавий усуларини қўллаш асосида самарадорликни оширишни тақозо этади.

Ушбу дарслик замонавий менежментнинг асосий масалаларини қамраб олган. Дарсликда келтирилган боб ва параграфлар маълум изчилликда талабалар учун содда ва осон гуруҳларли ҳолатда келтиришга ҳаракат қилинган. Мавзулар мантикий кетма-кетликда менежментнинг ривожланиш тарихи ва назарий асослари, меҳнатни илмий ташкил қилиш, бошқарув технологияси, ташкилот ва уларни бошқариш, менежментда етакчилик назарияси, меҳнат жамоаларини бошқариш масалалари батафсил ёритиб берилган.

Дарсликнинг дидактик жиҳатлари, келтирилган барча материалларнинг мавзулар кетма-кетлигини сақлаган ҳолда ўзида акс эттирган. Муаллиф томонидан менежмент фанини ўқитишнинг ўзига хос таянч-мантикий кетма-кетлиги танланган бўлиб, мавзуга онд материалларнинг қисқача хулосалар, назорат саволлари, тест топшириқларини ўз ичига олади. Бу ўз навбатида амалий машғулотларда мавзуларнинг тўлақонли ўзлаштирилишини таъминлаб беради. Буларнинг барчаси дарсликнинг амалий ва назарий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Дарсликнинг хорижий мамлакатларда чоп этилган менежментга оид илмий нашрлар асосида бойитилган ва статистик кўрсаткичлар охириги уч йиллик маълумотлар асосида янгиланган хорижий адабиётларини чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида яратилганлиги унинг маънавий-тарбиявий аҳамиятини белгилаб беради. Дарсликнинг тузилиши менежмент таълим йўналишининг давлат таълим йўналишлари ва малака талаблари асосида ҳамда Олий таълим тизими учун ўқув адабиётлари яратиш бўйича талабларига тўлиқ жавоб беради.

Дарслик олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари, фирмалар раҳбарлари ва мутахассислари, малака ошириш тинчловчилари учун ҳам мўлжалланган.

1-МАВЗУ. МЕНЕЖМЕНТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Режа:

- 1.1. Менежментнинг шаклланиш тарихи**
- 1.2. Ўзбекистонда бошқарувнинг ривожланиши**
- 1.3. Менежментнинг илмий мактаблари**
- 1.4. Менежментнинг типлари ва моделлари**

1.1. Менежментнинг шаклланиш тарихи

Бошқарув илмининг келиб чиқиш тарихини тадқиқотчилар бир неча минг йилликлар билан боғлашади. Бошқарув илмининг ибтидоси инсон меҳнати фаолиятини бошланиши билан тенгдир деган олимлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам, менежментнинг ривожланиши эволюцион жараён ҳисобланади. Инсоният тамаддуни пайдо бўлганидан бошлаб бошқарув илми юзага келганлигини жаҳоннинг машҳур олимлари мукамал тадқиқотлари натижасида исботлашган.

Ибтидоий одамлар жамиятидаги оила ёки оилалар бошлиғи, дастлабки қабилалар ва уруғларнинг “доҳийлари”, кейинчалик “оқсоқоллар кенгаши” фаолиятлари бошқарувнинг дастлабки куртаклари ҳисобланади. Жамиятда давлатларнинг пайдо бўлиши билан бошқариш муаммолари биринчи ўринга чиқди.

Биринчи ёзувнинг пайдо бўлиши билан менежерларнинг бошқарув муаммолари, иш ҳужжатларига оид адабиётлар ёзувлар орқали бизгача етиб келган (папирус ёзувлари, петрографлар). Қадимги Юнон файласуфи Афлотун (милоддан олдинги 428-347 йиллар) кўплаб асарларида менежментнинг масалаларини муҳокама қилган. Унинг “Давлат”, “Сиёсатчи”, “Қонунлар” каби асарлари давлатни бошқаришга бағишланган бўлиб, ҳозирда ҳам катта қизиқиш билан мутоалаа қилинади¹.

Жамият ҳаётининг ўзгаришида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва рол ўйнаган менежментдаги (бошқарувдаги) даврларни

¹ Афлотун. Қонунлар. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2008, -449 б. Афлотун. Давлат. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2015, - 457 б.